


ABDULLA UTAEV




ABDUVALI MIRZAEV



Ўзбекстондаги  
зўрлик остида ва  
ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш  
қурбонлари тақдирига алоқадор  
шафдоф ва тўлиқ текширув  
ўтказишни талаб қиламиз!



Юнусов Оқилжон  
Азиажонович



Хайдаров Фаррух  
Акмалович



Рахимов Абдураслул  
Абдурашидович (Фото:



## Ўзбекистон зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатлари юзасидан шаффоффлик ва тўлиқ текширувни таъминлаши зарур

Халқаро ҳамжамият ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлари расмий Тошкентни зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлганлар тақдири борасида ҳисоб бериш ва шаффофф бўлишга чақириши лозим.

Бу йил 30 августда БМТ Бош Ассамблеясининг «Зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлганлар халқаро куни» (International Day of the Victims of Enforced Disappearances) дея эълон қилганига 5 йил тўлади.

**Шу муносабат билан "Ўзбекистондаги зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш қурбонлари тақдирига алоқадор шаффофф ва тўлиқ текширув ўтказишни талаб қиласиз!" номли хисоботимизни жамоатчилик ихтиёрига тақдим қиласиз.**

Зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатлари кўркув мухитини ёйиш стратегиясига кирган ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси эксперталарининг фикрича, глобал муаммога айланниб бўлган. Аввало бундай ҳолатлар диктаторлик режимлари учун хос жиҳатдир ва бу вазиятда Ўзбекистондаги зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатлари истисно эмас.

Ўзбекистонда зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатлари ўтган асрнинг 90 йиллар ўрталаридан бошланди ва асосан ўзбек ҳукуматига мухолиф бўлган демократик кайфиятдаги сиёсий ва диний кучлар бундай ҳолатларнинг қурбонига айландилар.

Қайд этилган давр мобайнида зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатларининг қурбонларини икки тоифага бўлиш мумкин: демократик сиёсий мухолифат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг аъзолари ва фаоллари, мустақил журналистлар; мустақил диний гурухларнинг фаоллари ва етакчилари.

Юқорида санаб ўтилган гурухларга нисбатан қўлланилаётган зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатларининг қуидаги ўзига хос характеристикасини алоҳида қайд этиш лозим:

- Зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлишлар доим Ўзбекистон сиёсий элитасининг мухолиф кучлар ва ўз танқидчиларига қарши бўлган ноқонуний курашининг бир қисми бўлиб келган. Бундай ҳолатлар доимо махфий хизматлар ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг махфий амалиёти сифатида амалга оширилган, яъни ўз хоҳишига кўра ёки давлат буйруғига кўра иш олиб бораётган бирор-бир учинчи ёки жисмоний куч эмас, фақат давлат органлари томонидан амалга оширилган ишдир;

- Агар зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатларига учраган мухолифат, ҳуқуқ ҳимоячилари, мустақил диний гурӯҳлар ва мустақил журналистлар ишлари доимо оммага маълум бўлиб келган бўлса, юзлаб оддий мусулмонларнинг ўғирланиш ҳолатлари деярли ноаниқлигича қолмоқда – уларнинг қариндошлари буни ошкор этишдан қўркишади, мамлакатда инсон ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлар деярли қолмагани боис улар билан боғланиш имкони жуда кам;
- Жамиятда зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатларига нисбатан бефарқлик ва иложсизлик муносабати пайдо бўлди, ҳайратланиш ва қаршилик кўрсатиш ҳислари қайгадир йўқолди, чунки ҳамма бунинг ортида давлат ҳокимияти турганини билади ва агар у номақбул иш бўлганини сезганини билдириб қўйса, ўзи ҳам бундай ҳолатнинг навбатдаги курбонига айланиши мумкинлигини яхши билади;
- Ўзбекистонда зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатлари муаммоси кўлами охиргача ўрганилмаган, чунки жамоатчиликка уларнинг фақат шов-шувлиларигина маълум, холос. Бу муаммо кўлами охиргача ўрганилмаганининг бошқа бир сабаби эса давлат ҳокимияти бу кўринишни террорчиликка қарши кураш ниқоби остида усталик билан яширмоқда ва бу жараёнда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар бир қонун бузилишини оқламоқда.

“Ўтюраклар Клуби” Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти раҳбари Мўътабар Тожибоева ташаббуси билан ташкил қилинган ва Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ва кўплаб фуқаролик жамияти вакилларини ўз ичига олган «Муқобил Ўзбекистон» Мувофиқлаштириш Кенгашининг ўтган 2015 йил 29 июнидан эътиборан **«Ўзбек режими томонидан ўғирлаб ўйқ қилинганларни хотирлаш”** бир ойлик кампанияси доирасида Ўзбекист ондаги зўрлик ост ида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш бўйича энг шов-шувли ҳолатларни ўрганиб, бу ҳолатлар бўйича маълумотлар йиққани бу йўналишдаги илк қадамдир.

Мазкур жараён 1995 йилда изсиз йўқолган таниқли ўзбек имоми Абдували қори Мирзаев ва унинг шогирди Рамазон Маткаримовларнинг зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлганига 20 йил тўлгани муносабати билан ташкил қилинганди.

Мазкур жараён 1995 йилда изсиз йўқолган таниқли ўзбек имоми Абдували қори Мирзаев ва унинг шогирди Рамазон Маткаримовларнинг зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлганига 20 йил тўлгани муносабати билан ташкил қилинганди.

Ушбу кампания доирасида амалга оширилган ишлар натижасида қўлга қириллан илк натижалар қуонарлидир.

Биз Ўзбекистонда содир бўлган зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш билан боғлиқ 20 дан зиёд ҳолатни йиғишга муваффақ бўлдик. Айни пайтда биз Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги мобайнида ғайриихтиёрий ўғирланган ва тақдири ҳозиргача ноаён қолаётган инсонлар рўйхатини туздик.

Бугун, яъни “Зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлганлар халқаро куни”нинг 5 йиллиги арафасида Ўзбекистон фуқаролик жамияти «Муқобил Ўзбекистон» Мувофиқлаштириш кенгashi ва шу кенгаш иштирокчиси “Ўтюраклар Клуби” Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти халқаро ҳамжамиятни, жумладан, БМТ, EXХТ, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Норвегия, Нидерландия, Швейцария, Швеция ва ғарбдаги бошқа Европа давлатлари орасидаги Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорларини расмий Тошкентдан мустақиллик йилларида содир бўлган зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатлари борасида тўлиқ ва объектив текширув ўтказиш, шаффоффлик ва ҳақиқат ўрнатилишини таъминлашини талаб қилишга чақиради.

Зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатларининг айбдорлари аниқланиши ва жазога тортилиши керак, зўрлик остида ва ғайриихтиёрий ғойиб бўлиш ҳолатларининг қурбонлари, агар улар тирик бўлса, зудлик билан оиласарига қайтарилиши, улар ва оиласари чеккан азиятлари эвазига керакли товон пули олишлари керак.


Ўзбекистон ҳукумати келажакда бундай ҳолатлар қайтарилишининг олди олинишини кафолатлаши керак.

**«Ўтюраклар клуби» инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти;**

**Ўзбекистон фуқаролик жамияти «Муқобил Ўзбекистон»**  
**Мувофиқлаштириш кенгashi**

**ЗҮРЛИК  
ОСТИДА ВА  
ФАЙРИИХТИЁРИЙ  
ФОЙИБ БҮЛИБ,  
БЕДАРАК  
КЕТГАНЛАР  
РҮЙХАТИ**

## Абдулла Ўтаев Ўтаевич



1948 йил 17 январда Сурхондарё вилояти Денов тумани Шўрчи ғишлоғида туғилган.

1992 йил 15 декабрь куни изсиз ғойиб бўлган илк фаол

Абдуллажон Ўтаев Собиқ ССР таркибида тузилган Бутуниттифоқ Ислом уйғониш партиясининг Ўзбекистондаги бўлимини очишга уринган. Ислом Уйғониш партиясининг Ўзбекистон бўлимига асос солган ва унинг муассислар ғурултойида кўпчилик овоз билан партия раиси этиб сайланган. Партияниг Даъват" номли газетасини ташкил ғилган.

1992 йилнинг 15 декабрь куни эрталабки соат тўғиз-ўнлар атрофида Абдуллажон укаси Ғасанжон билан ота-онасининг уйидан ғувайдо кўчасига чиғишганда камуфляж кийиб олган, ғулида Калашников автомати бўлган нотаниш кишилар Ўтаевнинг машинасини тўхтатганлар ва уни мажбуран ўзларининг носранг УАЗ машиналарига ўtkазиб, номаълум ёқа олиб кетганлар. Ўшандан бўён уларни ҳеч ким кўрмаган.

Озодликнинг "Ўзбек имомлари" эшиттиришида Абдулла Ўтаевни хотирлаган ҳамда фаол ўғирланган кезларда Тошкентга борган – Бутуниттифоқ Ислом уйғониш партияси фаолларидан бири Мухаммад Қорачой шундай деган эди:

- Абдулла Ўтаевни Ислом уйғониш партиясининг Ўзбекистондаги етакчиси сифатида яхши танир эдим. У жуда фаол ишилади. Аммо, кейинчалик уни ўғирлашибди ва биз ҳанузгача тахмин қиласизки, Каримов режими уни ўғирлаган ёки бирор нарса қилган. Афсуски, бу ҳақда бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ, - деган эди Мухаммад Қорачой.

Абдулла Ўтаевнинг оиласи Ўтаевнинг йўқолиши Ўзбекистон МХХнинг иши, деб ишонади. Йўқолган исломшуноснинг рафиқаси Салима Ўтаева Озодлик билан сухбатда у кишининг каердадир омон ўтирганидан умидвор эканини айтган эди.

- 1997 йилмиди - эсимда йўқ, ўшандада дадам, яъни қайнотам президент маҳкамасига борганиларида, ўша ердаги уч-тўртта каттаконлар: “Ўғлингиз бизнинг қўлимизда. Соғ-саломатлар. Президент Америкага бориб келсалар, кейин конференция ўтсин.

Шундан кейин, Худо хоҳласа, бир янгилек бўлиб қолади” деган эди. Кейин президент Америкага бориб келди, конференцияси ҳам ўтди. Ўтгандан кейин борсалар, ҳаммаси мункир бўлибди: “Йўқ, биз унақа деганимиз йўқ” деб. Шу билан жимжит. Мен энди давлатнинг қўлида, деб ўйлайман, - деган эди Абдулла Ўтаевнинг рафиқаси Салима Ўтаева бир неча йил муқаддам Озодлик радиосига берган интервюсида.

Абдулла Ўтаевни изсиз ғойиб бўлиши муносабати билан 18 июнь 2008 йилда Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани ИИБ томонидан қидирувга берилган ва № 09226/93 рақами билан Россия Федерацияси Федерал қидирув қидирилувчилари рўйхатига олинган.

<http://www.ozodlik.org/content/article/27187575.html>

<http://virtualuzbekistan.org/2013/03/1614>

<http://virtualuzbekistan.org/2012/10/1627>

<http://virtualuzbekistan.org/2013/03/1605> <https://www.youtube.com/watch?v=Ac3D2uEmv-U> <http://virtualuzbekistan.org/2015/07/1621>

<http://www.ozodlik.org/content/article/27187575.html>

<http://www.bbc.com/uzbek/>

[http://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2011/08/110830\\_cy\\_disappeared\\_peoples\\_day.shtml](http://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2011/08/110830_cy_disappeared_peoples_day.shtml)

### **Ўтаев Хасан – Ўтаев Абдуллони укаси**

2004 йилда ўғирланган

**Абдулазиз Маҳмудов: Ўзбек имоми Абдуллажон Ўтаевнинг ҳаёт тарихи**

*Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик, сиёсий мухолифат, ҳуқуқ фаоллари ва диндорларни қатағон қилиш йиллари бўлиб қолди.*

*Бу йилларда миллионлаган ватандошларимиз ички ва ташқи муҳожиротга юз тутишига мажбур бўлдилар. 20 йил давомида иқтидордагилар иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалигида жуда кўплаб оддий ҳалққа қоронғу бўлган шубҳали тажрибаларни амалга оширди.*

Ўзбекистон расмийлари биз бугун гувоҳи бўлаётганимиз руҳонийларнинг ёппа хайриҳоҳлигига туйқусдан ва бир зумда эришганлари йўқ. Расмий конъюнктурага ётмаган ва расмий диний идора вакилларини танқид қилган имомлар бедарак йўқолдилар, уларнинг тақдиди кадар билан қопланган.

Бедарак йўқолган мухолифатдаги мусулмон диний арбоблар рўйхатини Ислом Уйғониш партиясининг раҳбари Абдуллажон Ўтаев бошлаб берди. Унинг ҳаёт тарихи ҳақида имомнинг сафдоши, Абдуллажон Ўтаев ва унинг яқинларини яхши билган муҳтарам Мўътабар Аҳмедова қуидагиларни айтиб берди:

“Абдуллажон Ўтаев 1948 йилнинг 17 январь куни Сурхондарё вилоятининг Шўрчи қишлоғида дехқон оиласида дунёга келган. Саккиз синфни битиргач, Абдуллажоннинг отаси ўғлини Деновдаги таниш муллага олиб боради. Мулла Абдуллажонга бошланғич билимни бергач, уни Душанбедаги Ҳожи мударрис номи билан танилган имомнинг олдига юборади.

Маълум вақт ўтгач эса Ҳожи домла ўқувчисини Тошкентга, анча маърифатли бўлган Салоҳиддин имомнинг олдига олиб боради. У ерда бола Қуръон, ҳадис ва фикҳдан сабоқ ола бошлайди. Шундан сўнг Салоҳиддин қори Абдуллажонни Фарғонада яшайдиган Сулаймон қорининг хузурига юборади. У, ўз навбатида, болага керакли илмни бериб, Марғilonдаги Ҳакимжон қорининг олдига жўнатади. Таҳсилиниң сўнгида эса йигит доғистонлик лезгин бўлган Исмоил қорига шогирд тушади. Бу имомнинг қўлида Абдуллажон Ўтаев тафсирдан таълим ола бошлайди.

Шу тариқа йиллар ўтади. Абдуллажон уйланади ва Тошкент чеккасидаги “Ленин йўли”, Сариоғоч, Абай ва Келес кохозларида қишлоқ хўжалиги билан шуғуллана бошлайди. Бу вақт давомида у шогирдлар тайёрлаб боради, аммо ўз билимларини такомиллаштиришни ҳам унутмайди.



Абдуллажон Ўтаев қўйонлик Насридин қорининг қўлида таҳсил ола бошлайди. Горбачёв қайта қуриши даврида Абдуллажон Ўтаев Ислом Уйғониш партиясининг Ўзбекистон бўлумига асос солади ва унинг муассислар қурултойида кўпчилик овоз билан партия раиси этиб сайланади.

Сўнг у асл Ислом ақидалари бўйича даъват юритиш мақсадида “Олча” ва “Сағбон” кўчалари чорраҳасида

жойлашган “Азиз Халфа” масжидини таъмирлади. Ҳужраларнинг бирида эса аёллар мадрасаси очилади.

Мен ўша атрофда яшаганим боис бу мадрасада диний сабоқ олишни истаб келган кўплаб аёллар пайдо бўлганини кўргандим. Ўзим 1980 йиллар бошида диний билим олганман. Мен Абдуллажондан кўп нарса ўрганганман.

Маълум вақт ўтгач эса партия нашрини ташкил этишга эҳтиёж пайдо бўлди ва биз сафдошлар билан маслаҳатлашиб, “Даъват” газетасини ташкил қилдик. Менинг чоғроқ эски уйим таҳририят сифатида хизмат қилди. Мен ва Абдулла исмли ёш бир йигит (уни кичик Абдулла деб чақирадим) газетанинг қоралама варианти учун материаллар йигиб, кейин газетани чоп қила бошладик.

#### **Абдуллажонни ҳибсга олиш эса қуидагича содир бўлган:**

1992 йилнинг 15 декабрь куни эрталабки соат тўққиз-үнлар атрофида Абдуллажон укаси Ҳасанжон билан ота-онасининг уйидан Ҳувайдо кўчасига чиқишиганда камуфляж кийиб олган, қўлида Калашников автомати бўлган нотаниш кишилар Ўтаевнинг машинасини тўхтатдилар ва уни мажбуран ўзларининг носранг УАЗ машиналарига ўтказиб, номаълум ёқقا олиб кетадилар. Ўшандан буён уни ҳеч ким кўрмаган.

Бир сўз билан айтганда, диний арбобларга бўлган ҳужум айнан шундай бошланган. Ўшанда мен жуда кўп маротаба диний мухолифатга мурожаат қилиб, Ўтаевни озод қилишларини талаб қилиб, акциялар ўтказишни илтимос қилгандим.

Акс ҳолда, расмийларнинг қатағон сиёсати оммалashiшини айтгандим. Аммо мени тушунишмади. Ўшанда баъзи имомлар менга жавобан: “Биз бир одам туфайли бошқаларни хатарга қўя олмаймиз”, дейиш билан чекланишганди”.

Мен Абдуллажон Ўтаевни танирдим. У билан бир неча бор сұхбатлашганман, интервью олганман. Менимча, у ҳеч қачон сұхбатдошнинг кўзига қарамайдиган расмий уламодан фарқли ўлароқ самимий, очик одам эди. Ва, албаттаки, Абдуллажон илк тўрут халифа давридаги каби “Ислом коммунизми” — умумий хотиржамлик ва фароғатга асосланган адолатли жамият қуриш мумкинлигига соддадилларча ишонарди.

Унинг кетидан 1995 йилнинг 28 август куни андижонлик яна бир диний арбоб — Абдували қори Мирзаев, 1998 йили эса Тошкентдаги “Саҳобийлар” масжидининг имом-ҳатиби Тўлқин қори Йўлдошев бедарак йўқолди...

Ўшандан буён кўп йиллар ўтган бўлса-да, на маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари, на инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилотлари бу кишиларнинг ғойиб бўлиши билан шуғулланмадилар. Нихоят, 2012 йилнинг март ойида Швецияда қочқинликда яшаётган тошкентлик имом Обидхон қори Назаровга сунқасд уюштирилди.

Бу Сталин айтган большевикларнинг эски принципини эслатади: “Одам йўқ бўлса, муаммо ҳам йўқ”. Бу кимнинг қўли билан қилингани ва ким бундан “манфаатдор бўлгани” ҳақида тахмин қилиш мумкин, холос. Ваҳоланки, очигини айтганда, давлат терроридан фойда чиқишига катта шубҳа бор. Шу кунда ўзбек имоми кома ҳолатида.

Аммо Швеция ҳуқуқ-тартибот идораларининг кўмаги билан гумонланаётган шахс топилди. Агар тергов Обидхон қори Назаровга ўқ узган мухтамал киллер Юрий Жуковни тергов қила олганда эди, балки бедарак йўқолган кўплаб ўзбек имомларининг фожиали тақдирни ҳам ойдинлашган бўларди.

**Абдулазиз МАҲМУДОВ**

**07 March 2013**


## Абдували Мирзаев

1950 йил 11 апрелда Андижон шаҳрида туғилган

Абдували Мирзаев шаҳардаги Жомеъ масжиди имоми сифатида 1990-йиллардан кейин аввалига Андижон шаҳри, кейинчалик Фарғона водийсида танилган имомлардан бири эди

1995 йил 29 август куни ўғирланган

Абдували Мирзаевнинг имомлик фаолияти ва Ислом динига тарғиботи ҳақида жуда зиддиятли қарашлар мавжуд.



Ўзбекистон ҳукумати у кишини мамлакатда "ваҳҳобийлик" оқими асосчиларидан бири, деб айبلاغан ва ҳанузгача бу айловнинг мамлакатда диний мотивларда айланган шахсларга нисбатан тергов ҳамда судлов ҳужжатларида таъкидланиши кузатилмоқда.

Бундан ташқари, Фарғона водийси ва Ўзбекистондаги дин пешволари орасида ҳам Мирзаевнинг таълимотини радикал, дея танқид қилувчилар, қораловчилар бўлган.

Аммо, тарафдор ва сафдошлари бу айловларни кескин рад этиб келадилар ҳамда имом радикал ёхуд жиҳодчилик ғояларини тарғиб қилмаган, фақат соғ Ислом таълимотини ёйиш билан шуғулланган, деб таъкидлайдилар.

Москвада бўладиган ислом анжуманига бориш учун Тошкент аэропортидан 668-рейс билан Москвага учиш учун рўйхатдан ва маҳсус кўриқдан ўтгандан сўнг, маҳсус орган ходимлари томонидан ушланган ва қарийб 20 йилдан бери ҳеч қандай дарак йўқ.бедарак йўқолган.

Абдували Мирзаевни изсиз ғойиб бўлиши муносабати билан 18 июнь 2008 йилда Андижон вилояти Андижон шаҳри ИИБ томонидан Федерал қидирувга берилган ва № 8174 рақами билан Россия Федерацияси Федерал қидирув қидирилувчилари рўйхатига олинган.

**MXX матбуот котиби 2005 йилда Озодликка берган интервюсида:** “Абдували Мирзаевга 1999 йил 15 май куни Бош прокуратура томонидан бир неча мoddалар бўйича сиртдан айблов ва Ҳидириув эълон Ҳилинганд. 2001 йилда айланувчининг Ҳаерда экани номаълум бўлгани сабабли тергов Ҳаракатлари ва Ҳотинча тўхтатилган. Яна тақрор айтаман, уни MXX ходимлари ўтилаб кетган, деган иddaолар Ҳурути тутилган иборат”, деган эди.

Аммо, бу орада ва ундан аввал Ҳам минглаб диндор Абдували Ҳоридан таъсил олгани ва Ҳаттоки, уни билгани учун таъбиб Ҳилинди, тазийилар остида Ҳолди, Ҳамоҳларга банди Ҳилинди.

Бошҳача айтилса, Абдували Ҳори Мирзаев номи Ўзбекистонда 1992 йилдан сўнг диндорларга нисбатан бошланган шавфатсиз репрессияларнинг аввали билан боғланади.

Ҳукумат томонидан халғанинг дилига мислсиз Ҳўрѓув солишда Ҳўлланиладиган “олабўжи”га айлантирилган Абдували Ҳори Мирзаевнинг ўзи Ҳаёда эса мана 20 йилдирки бирор маълумот йўл.

<http://www.ozodlik.org/content/article/27187575.html>

<http://virtualuzbekistan.org/2012/10/1627>

<http://virtualuzbekistan.org/2015/08/1800>

<http://virtualuzbekistan.org/2015/07/1592>

[http://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2011/08/110830\\_cy\\_disappeared\\_peoples\\_day.shtml](http://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2011/08/110830_cy_disappeared_peoples_day.shtml)

## **Абдували қори Мирзаевга атаб Саҳвий шеъри**

Ҳолингиздан на хат ва на, хабар бор?  
Бир чора қилишга nocturne, nocturne?!  
Шубҳасиз Яратган Ўзи хабардор,  
Ўзиндадир Улуғ Қудрат – Устозим!  
Сизга Аллоҳ берсин нусрат – Устозим!

Имонга лойикдир синовнинг бари,  
Буни хабар берди, Ҳақ пайғамбари,  
Шундай бўлиб келган доим илгари,  
Ўзига маълумдир ҳикмат – Устозим!  
Азалдан битилган қисмат – Устозим!

Осон эмас ахир зинданда ётмоқ,  
Мудраб ётган ғофил халқни ўйғотмоқ,  
Золимлар олдида Ҳақ сўзни айтмоқ,  
Ҳар кимда йўқ бундай журъат – Устозим!  
Бу ҳам сизга улуғ неъмат – Устозим!

Сиғдира олмасман ҳеч хаёлимга,  
Бунча зулм бўлди,-шундай олимга?  
Мусулмонларни хор этган «Золим»га,  
Икки дунё бўлсин лаънат–,устозим!  
Қилгай энди мангу ҳасрат,–устозим!!

Куфр доим ғолиб бўлиб турмагай,  
Ахли имон ҳаргиз мағлуб бўлмагай,  
Ҳаёт низомини инсон қурмагай,  
Уларга хам келар навбат – Устозим!  
Ўлмасак кўрармиз албат – Устозим!

Илм лозим экан ҳар мусулмонга,  
Ҳидоят истовчи окил инсонга,  
Илм берди Аллоҳ,-Ўзбекистонга,  
Қадрингиз билмади давлат – Устозим!  
Ҳақни рад килди бу «бадбаҳт» – Устозим!

Фалокатни кўра олмайди инсон,  
Ҳақни рад қилганлар, қолмаган омон,  
Келади, Аллоҳнинг ҳукми бегумон,  
Бордир Аллоҳ битган мухлат – Устозим!  
Чунки бу ўзгармас суннат –Устозим!

Сиз кетдингиз, даъват бўлмади тамом,  
Ҳали даъватдасиз собит бардавом,  
Сиз сабаб ҳидоят топмоқда авом,  
Қолдирдингиз улуғ ибрат – Устозим!  
Ҳануз қилаяпсиз хизмат –Устозим!

Сизга Аллоҳ илм,- ҳикмат берганди,  
Шиҷоату-журъат-химмат берганди,  
Шунга лойиқ синов, қисмат берганди,  
Аллоҳ сизни қилгай раҳмат – Устозим!  
Жаннатда кўргайсиз иззат – Устозим!

Бу қисмат асли Ҳақ инояти бу,  
Қуръон хабар берган ривояти бу,  
Яратган Аллоҳнинг ҳидояти бу,  
Саҳвийда бор, шундай ният — Устозим!  
Жаннатда қилгаймиз суҳбат — Устозим!

## **Рамазон АбдухолиқовиЧ Маткаримов**

1959 йил 20 март куни Андижонда туғилган

Андижон шаҳар Оғаҳий кӯчаси, 51-йуда яшаган, 1 нафар ўғли ва 3 нафар қизи бор

Имомга ҳамроҳлик қилган

1995 йил 29 август куни ўғирланган

Абдували қори Мирзаев билан биргаликда Москвада бўладиган ислом анжуманига бориш учун Тошкент аэропортидан 668-рейс билан Москвага учиш учун рўйхатдан ва маҳсус кўриқдан ўтгандан сўнг, маҳсус орган ходимлари томонидан ушланган ва қарийб 20 йилдан бери ҳеч қандай дарак йўқ. бедарак йўқолган.

Рамазон Маткаримов Абдували қори Назаров билан ҳамкорлик қилиб кетаётгани учун, яъни Абдували қорини ўғирланишида гувоҳ бўлиб қолганлиги учунгина гувоҳни йўқ қилиш мақсадида ўғирлангани гумон қилинади.

У Россиядан товар олиб келиб Ўзбекистонда сотиб юрган, яъни савдогар бўлган, Абдували қорига ихлос қилиб имкон қадар унга турли ишларида кўмак бериб юрган.

Маткаримовнинг оила аъзолари, фарзандлари унинг ғойиб бўлганидан кейин отасини топишга кўмак беришларини сўраб бир қанча давлат идораларига шикоят аризалар билан мурожаатлар қилганлар. Лекин уларнинг қонуний талабларига ижобий жавоб берилмаган.

Рамазон Маткаримовни изсиз ғойиб бўлиши муносабати билан 18 июнь 2008 йилда Андижон вилояти Андижон шаҳри ИИБ томонидан Федерал қидирувга берилган ва № 8175 рақами билан Россия Федерацияси Федерал қидирув қидирилувчилари рўйхатига олинган

<http://virtualuzbekistan.org/2012/10/1627>

<http://virtualuzbekistan.org/2015/08/1839>

### **Аҳмедов Абдулло**

1948 йилда Андикон шаҳрида туғилган, маълумоти ўрта, оиласи, фарзандлари бор.

Андикон шаҳар Maišiy хизмат кўрсатиш уйини Эски шаҳардаги шахобчасида пойабзал тиқувчиси бўлиб ишлаган

Андикон Жомеъ масжидида Абдували қорини шогирдларидан бири, масжидни ташкилий ишлар билан фаол шуғуллананиб келган диний арбоб

1996 йилда ғойиб бўлган

Тахминан 1996 йилнинг ёз ойларидан бир куни кундузи тахминан соат 11ларда оёғида уйда кийиб шиппаги билан велосипедда нон олиб келиш учун уйидан чикиб кетган ва шу бўйи ғойиб бўлган.

### **Неъматуллоҳ Парпиев**

1962 йилда туғилган

Жомеъ масжидида талабаларга каратэдан ўргатувчи тренер бўлган

1996 йил ёз фаслида эрталаб уйидан нонга чиқиб кетиб қайтмаган

### **Касымбеков Камелетдин**

1999 йил 5 августда ўғирланган

Касымбеков Камелетдинни онаси Рано Шермухаммедининг берган хабарига қўра унинг ўғли Бекзодни хибсга олиб қийноққа дучор қилганлар ва уни ЖКнинг 159-моддаси билан айблаб, 8 йилга қамоқ жазосига хукм қилинган . Унинг иккинчи ўғли Камелетдин эса 1999 йилнинг 5 август куни бедарак йўқолган.

Камелетдинни отасини ҳам хибсга олиб қийноққа тутганлар. Уларнинг оиласига тегишли енгил автомашинани милиция идорасига ғайриқонуний равишда олиб кетганлар ва машинани қайтариб бермаганлар.

## **Холмуродов Маматқул (Мұхаммадқұл)**

1955 йил 25 майда туғилған Самарқанд вилояты Ургут тумани Чор-чинор махалласи 2-проезд Улуғбек күчаси 16-үйда оиласи, фарзандлари билан бирга яшаган.

Мұхаммадқұл лидерлик қобилятига эга оратор, ўткір кобилятли, әнциклопедик маълумотларга эга бўлган инсон бўлган.

Ҳизбут Таҳрир раҳбарларидан бири, миллати тожик, маълумоти ўрта, Чор-Чинор масжиди имоми бўлган Чор-чинор маҳалласида катта катта чинорлар бўлган ва ўша чинорлар оралиғи кавлаб, уйчалар қилинган, ўша уйчалар ичидаги диний сұхбатлар уюштириларди

1999 йилда ўғирланган

Диний фаолияти: Имом – Ваҳҳобий – Таблиғчи – Таҳрирчи -  
Ҳизбут Таҳрир раҳбарларидан бири Самарқанд ва Қашқадарё (Ҳафизуллоҳ  
ва бошқа ҳизб фаоллари уйларида кўрилган)

Устозлари: Тожикистанда, Убайдуллоҳ махсум

Мұхаммадқұл Холмуродов Чор-чинор масжидини очилишига ташаббус кўрсатган. Диннинг фидоийси дейишади у инсон ҳақида. Ислом уйғонишининг янги босқичи, яъни СССР қулаганидан кейин хужраларда диний илм ўргатганлар, ўрганувчилар очиқликка чиқкан пайтида ханафий қарашлар бўйича ўзгача қарашда бўлганлар намояндадаридан бири сифатида фаолият олиб борган.

Масжидни қошида очилған хужраларда таблиғ жамоатини қўллашга қизиқиб шогирдларга билим берса бошлаган.

Кейинчалик ҳизбут таҳрирнинг Самарқанд вилояти ва унга яқин вилоятлар бўйича ҳам раҳбари хисобларди. Минтақада 2 та диний арбоблар бўлган улардан бири Мұхаммадқұл бўлса, иккинчиси Мұхаммад Ибн Иброҳим (асли Китоб туманилик) бўлган. Мұхаммад Ибн Иброҳим таҳминан 1997 йилда хибсга олинган ва ханузгача қамоқда қолмоқда.

Мұхаммадқұлни доимий равишда МХХ идораларига сұхбатларга чақирилиб турарди. У бошқаларни ўз ортидан эргаштира оладиган даражада жуда жонкуяр, энергияси кучли бўлган инсон бўлгани сабабидан ҳам йўқ қилинган бўлиши мумкин. Агар у инсон четга қочиб кетиш имконига эга бўлганида эди албатта фаолиятини очиқ ошкора давом эттирган бўларди.

Бедарак кетган санаси: 1997 йиллар ва ундан кейин...

"Заравшан" газетасида ёзилишича 1999 йил 8 июнида хизбут тахрир диний экстремистик оқимга аъзоликда айблаб қидирув эълон қилинганд

1999 йилдан кейин ўғиллари ҳам қамалган.

"Ўғирланган" дейилишига асос: Ҳизбут-таджир аъзолари ва дом-дараксиз кетганликлари сабабли ва бир қанча кишилардан эшитилган хабарлар/таджинлар.

21 апрель 1999 йилдан бошлиб Федерал қидиувга берилган.

<http://www.memo.ru/hr/politpr/cntrasia/usb5/add6.htm>

[http://www.nomer.org/mosgibdd/lastName\\_ХОЛМУРОДОВ\\_pagenumber\\_1.html](http://www.nomer.org/mosgibdd/lastName_ХОЛМУРОДОВ_pagenumber_1.html)

<https://soundcloud.com/blogsaahwii/ybmfayfxvzsv>

### **Ҳасанов Баходир**

Чирчиқлик, асли Бурчумуллалик (лақаби Француз) Тошкентдаги Франция элчихонасига тегишли Француз тили Марказида француз тилидан дарс берган 2000 йилда милиция вакиллари томонидан олиб кетилган ва шу бўйича ғойиб бўлган

Баходир Ҳасановни укаси Яхё деган Афғонистондаги экстремистик гурухларга алоқадор экан деган миш мишлар тарқалганди ва чегарадан Афғонистонга дори дармон олиб ўтганлиқда айбланиб, қидирувда бўлган ва автохалокатга учраб ўлган.

Яхёни жинояти сабаб отасини ҳам, 2 та акасини ҳам қамашган. Оиладан биргина акасини қамашмаган холос. Ҳасанов Баходирни эрталабда милиция ходимлари олиб кетишганича у берадарак йўқолган.

### **Алишер - Қибрайлек**

1978 йилда туғилган. Шарқшунослик институтида 3 курсгача ўқиган, кейинчалик мадрасада ўқиб, диний билим олган. Алишер Қибрайлекни амири хисобланарди. 2000 йил тахминан сентябрь ойларида ИИБ ходимлари томонидан уриб ўлдирилган ва кейинчалик қидирувга берилган

2000 йилда Чорвоқни портлатиш учун иккита машинада қуролланган кимсалар чорвоқقا 2 та енгил автомашинада кетишиди деган хабар ортидан Тошкентда тозалов тадбири ўтказилган. Кейинчалик ушбу тадбир ўкув машғулоти эканлиги маълум бўлган. Лекин мана шу ўкув машғулоти баҳона жуда кўпчилик ёшларни қамаб юборишиди.

Ўша хибсга олишлар пайтида Алишерни ҳам қамашган ва қўлланилган қийноқлар натижасида Алишер ўлганидан кейин уни ўлимини яшириш мақсадида мамлакатдан қочиб кетган деган баҳона билан қидирувга беришган.

### **Сайфиддин Муминов**

Хизбут таҳтир вакили, 2001 йилда ўғирланган

### **Шерзод Маликов**

Хизбут таҳтир вакили, 2001 йилда ўғирланган

## **Раҳмонов Содиқжон (Содиқ қори)**

1962 йил Қирғизистонни Ўзган шаҳрида туғилган. 2003 йилни сентябрь ойида ўзбек МХХ вакиллари томонидан ўғирлаб кетилган. Ўрта мактабни тамомлаб, 1980-, 90-йиллар оралигига ўша вақтлардаги илм масканларида таълим олган ва таълим берган. 1990- йиллардан кейин эса, таълим береш билан бирга даъват ишларида ҳам фаъол ҳаракат қилган ҳамда кўп марта ҳаж сафарларига бош бўлган ва ҳожбоши бўлиб танилган. У киши кўпроқ Ўзбекистондан Қирғизистон орқали борадиган ҳожиларга бошчилик қиласарди. Шу сабабли у киши Ўзбекистонда машхур эди. 2003– йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон томонидан ҳийла билан ўғирлаб кетилди ва ҳалигача ишонарлик бир хабар йўқ.

Ўғирланиши тўғрисида; ўша ўғирланган 2003 йилда бизга шундай хабар келган эди: «Содиқконни бир нексия русумли машинада уйига икки марта истаб келиб, уйида йўқ бўлгани учун учраша олишмайди, машина қирғиз номерида бўлади. Учинчи марта сўраб келишганда Содиқкон уйида бўлади ва улар билан учрашади, лекин уларнинг ёмон ниятлари борлигини билмайди улар, ҳаж ишида бир муаммо бор, бир кишига учрашишлиги зарур эканлигини айтиб қаттиқ туриб олишади, бир оз суҳбатлашгандан кейин уларнинг машинасига ўтириб, улар билан бирга кетади.

Суҳбатга қулоқ тутган укаси улардан шубҳалана бошлайди ва ўзи бир зарур иш билан машғул бўлгани учун, жиянларига машинасини бериб Содиқконни олиб кетган машина орқасидан жўнатади. Улар маҳалладан чиқсанларидан кейин катта кўчада кутиб турган бир киши Содиқконнинг ёнига ўтиради ва Содиқкон икки киши ўртасида қолади ва машина Ўзгандан чиқиб Жалолобод томонга йўл олади. Орқадан кузатиб бораётган жиянлар шошилишда ўз машиналарининг документини олишмаганлири сабаб, уйга қайтиб, документни олиб яна орқадан боришади, аммо етиб бориша олмайди. Олиб қочганлар аллақачон чегарадан ўтиб китишган бўлади.

Айтишларича машинанинг номерини ёзиб олишган бўлган, лекин чегарада машини ҳақида жўялик жавоб олишолмайди. Кейин у номерни суриштирилганда на Ўзгандан на Жалолободда ва на Ошда ундаи номерни борлигини аниқлаб бўлмайди. Кейин кўп суриштиришлар олиб боришади, лекин хамма сайи-харакатлар бесамар кетади».

Ўша вақтларда ҳодисани шу тарзда эшитганман. Мана ўн икки йилдирки у киши тўғрисида бирор хабар эшитмадим. Аллоҳдан сўраймизки, агар дўстимиз Содиқон бирон ерда соғ-саломат бўлса, оиласига қовиштиурсин. У киши тўрт қиз, икки ўғил – олти фарзанднинг отаси эди Аллоҳим унинг оиласига сабр ва ажрлар берсин. Содиқонни Ўзбекистон томонидан ўғирланишига унинг ўз вақтида Ўзбекистон ичкарисида диний фаолият олиб борганилиги ва кейинчалик ҳам Ўзбекистонликлар билан алоқаси борлиги сабаб бўлса керак.

## **Луқмонхон Юсупов**

1962 йил Сурхандарё вилояти Денов туманида туғилган

Диний оиласында туғилиб, бошлангич диний таълимни оиласында ўзлаштирган

2003 йил ноябрда ўғирланган

Юсупов Луқмонхон диний билимга эга ва худудда жуда танилган, обрўли, бой бадавлат, тижоратчи бўлган, икки нафар хотини бўлган, биринчи хотинидан 5 та ўғли бор, иккинчи хотинидан фарзанди бор йўқлиги номаълум.

Луқмонхон иккинчи хотини билан ўзининг шахсий автомашинасида кетаётган пайтида уларнинг кетидан оқ Нексия автомашинасида 4 нафар номаълум шахслар келиб, уларни тўхтатишган, Луқмонхон улар билан саломлашиб, гаплашган ва хотинига таксига чиқиб кетишини, ўзини мана бу машинадаги инсонлар билан гаплашадиган гапи борлигини айтиб, хотинини жўнатиб юборган ва шу бўйи ўзи изсиз ғойиб бўлган.

Ўғиллари, оила аъзолари Луқмонхонни йўқолиши ортидан маъмурӣ органларга, давлат идораларига шикоятлар ёзиб уни топишга кўмак беришларини сўраганларида, давлат идоралари вакиллари “Жим ўтиранглар бўлмайдими? Биттангни йўқолганинг етмайдими?” дея очиқдан очиқ таҳдид қилишган. Шу бўйи оила аъзолари Луқмонхонни қидириб давлат идораларига мурожаатлар қилмай қўйганлар.

## Хусниддин Назаров Обидхон қори Назаровни ўғли

08.07.1976 йилда Наманганда туғилган. З нафар фарзанди бор. Тошкент шахри Собир Рахимов тумани Ниёзов кўчаси 3 уй 54-55 хонадонларда ота онаси, оиласи билан бирга яшаган

2004 йил 16 май, якшанба куни ўғирланган. Шу куни шом намозига яқин Хусниддинни биродарларидан бири унга телефон қилиб, шом намозига бориш учун чақирган. У билан гаплашиб бўлгандан кейин яна кимдир телефон қилган. Хусниддин у одам билан нималардир ҳақида гаплашиб, таҳорат қилиб, артимасдан шошиб кўчага чиқиб кетган.

Ўша пайтлари кун иссик, уйлар исиб кетганидан аёллар кўчада салқинлаб ўтиришарди. Улар Хусниддинни олдиларидан ўтиб кетганини ва орқасидан рақами йўқ машина секин аста юрганини кўришган. Хусниддинни машина ичидан кимдир чақирган, лекин унга эътибор бермай йўл четидан кетаверганига ҳайрон бўлишган.

Кейин маълум бўлишича бу воқеани давомини қўшни домдагилар уйни деразасидан кўришган, орқасидан юра бошлиган номерсиз машина сал нарироқقا бориб, Хусниддинни куч билан машинага босиб олиб кетган. Буни кейинроқ улар оиласидагиларга айтишган, лекин орган ходимларига гувоҳлик беришга рози бўлишмаган, кўркишган.

Хусниддин Назаровнинг онаси Миннур Насриддинова 2004 йилнинг 15 август куни Республика МХХ раиси Рустам Иноятов ва яна бир қатор давлат органларига мурожаат қилиб қуйидагиларни баён қилган:

“Кеча 2004 йил, 14 август куни Ўзбекистон телевидениеси орқали Назаров Хусниддиннинг сурати кўрсатилиб, унинг йўқолиб қолгани эълон қилинди. Мен бу холатдан кўрқувга тушаяпман. Сизлар ўғлимга бирор ёмонлик қилишга қасд қилдингларми? Уни майиб–мажруҳ қилиб ёки ўлдириб бирор ерга ташлаб кетишини режа қилганмисизлар?...

Биламан, сизлар қонунга риоя қилмаяпсизлар. Аммо Худодан ҳам кўрқмайсизларми? Нима учун бир бечора онага ва бегуноҳ болага, унинг оила аъзоларига бунчалик зулм ўтказасизлар? Ахир биз сизларга ҳеч бир ёмонлик қилганимиз йўқ–ку!



Courtesy Photo

Агар Обидхон қори сизларнинг ғайриқонуний талабингизни бажармасдан, яъни МХХ билан маҳфий ҳамкорлик қилишдан бош тортиб, сизларнинг ғазабингизни келтирган бўлса, марҳамат уни топиб, ўзини жазоланглар! Нима учун унинг ўғлидан, қариндошларидан ўч оляяпсизлар??!

Бу қайси тоифанинг қонунига тўғри келади? Ўғриларнингми? Менимча ўғрилар ҳам сизларнинг ишингизни қораласа керак. Чунки ўғриликни ўғрилар қиласди. Аммо давлат ўғри бўлиши мумкин эмас-ку. Давлат очик-оидин иш қилиши керак эмасми?

... Сизларга катта фойда келтирадиган маслаҳат шуки, Хусниддинни ва бошқа ҳамма ўғирланганларни қўйиб юборинглар. Қамоқдагиларни озод қилинглар. Шунда ютуқ сизларда бўлади, иншоаллоҳ. Бу биз мазлумлар учун ҳам, ҳалқ учун ҳам, давлат учун ҳам яхши йўл. Ахир яхшиликка яхшилик қайтишига нимага ишонмаяпсизлар? Ёки ёмонлик билан яхшилик хосил бўлади деб ўйлайсизларми?

Мен энг аввало ўзимга кейин бошқаларга, жумладан Сизга, сизнинг ходимларингизга, хукуматнинг ҳамма аъзоларига иймон–хидоят, инсоф, раҳм–шафқат тилайман. Аллоҳ ҳаммамизни яхши ниятларимизга фақат яхши йўллар билан эришишни насиб қилсин.

Сиздан бир мазлума она сифатида қўл остингиздаги маҳбусларни, мазлумларни жумладан менинг ўғлим Хусниддинни қийноқقا солмаслигингизни, тахқирламаслигингизни, майиб, мажруҳ қилмасликни, ўлдириб қўймаслигингизни ўтинаман..."

Насриддина Миннурунанинг 2004 йил 27 август кунги халқаро ташкилотлар, чет эл ваколатхоналари ва халқаро матбуотларга қилган мурожаатидан қўйидагиларни ўқишингиз мумкин:

"...Байрам арафасида ўғлим ва бошқа ўғирлаб кетилган фуқаролар тақдири борасида мени чулғаб олган хавотир ва ташвишдан сизларни огоҳ қилмоқчиман. Кўринишидан, МХХнинг ўзи ўғирлаб кетган мусулмонларни қўйиб юбориш нияти йўққа ўхшайди.

Менинг МХХ раиси, бош прокурор ва Ўзбекистон президентига ёзган аризаларим, мурожаатларим бирор натижа бермади. Бунинг устига шу кунларда хукумат ўзбек телевидениеси орқали ўғлимнинг йўқолгани ҳақида эълон қилди ва бу билан уни дом-дараксиз йўқолганлар қаторига қўшди.

Бу — яхшилик аломати эмас. Бу билан МХХ бизни чалғитмоқчи ҳамда жавобгарликни ўз бўйнидан соқит қилмоқчи бўляяпти. Эҳтимол, хозир у ўғирлаб кетилган мусулмонларни ваҳшиёна қийноққа солиб, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам «терроризм» «экстремизм» ва шу каби уларга умуман алоқаси бўлмаган айбларни уларнинг бўйнига илмоқчидир.

Хозир мени МХХнинг бундан ҳам ёмонроқ нарсага қўл уриши мумкинлиги қаттиқ хавотирга солаяпти. Мен МХХ ўзи ўғирлаб кетган мусулмонларнинг белларига портловчи моддаларни боғлаб, уларни бирор жойда портлатиб юбориши ҳамда бу билан уларни ўзлари содир қилмаган ишларда ноҳақ айблаши мумкин деб хисоблайман.

Сизларнинг ҳаммангиздан илтимосим, дунё ҳамжамиятининг бутун эътиборини ўғирлаб кетилган мусулмонларни озод қилиш ишига жалб қиласангиз. Ўзбекистонда терроризм ва экстремизмга қарши кураш тинч мусулмонларга нисбатан курашга айланиб бўлди.

Оммавий ахборот воситаларидан бизнинг қайғумизга етарли эътибор беришларини сўрайман.

Дипломатик ваколатхоналардан Ўзбекистон хукуматига нисбатан юқори даражада таъсир ўтказишни ҳамда ўғирлаб кетилган мусулмонлар (уларнинг сони бугунга келиб 10 кишига етди) тақдирни билан жиддий қизиқишини сўрайман..."

Хусниддин Назаров Обидхон ўғлини изсиз гойиб бўлиши муносабати билан 18 июнь 2008 йилда Тошкент шаҳри С.Рахимов туман ИИБ томонидан Федерал қидиравга берилган ва № 111127 рақами билан Россия Федерацияси Федерал қидирав қидирилувчилари рўйхатига олинган.

<http://virtualuzbekistan.org/2004/05/1660>

<http://virtualuzbekistan.org/2004/08/1662>

<http://virtualuzbekistan.org/2004/08/1671>

<http://virtualuzbekistan.org/2012/10/1627>

<http://www.bbc.com/uzbek/>

[uzbekistan/2011/08/110830\\_cy\\_disappeared\\_peoples\\_day.shtml](http://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan/2011/08/110830_cy_disappeared_peoples_day.shtml)

## **Юнусов Оқилжон Азизжонович**



6 ноябрь 1971 йилда туғилган. Турмуш ўртоғи Содиқова Машхура билан бирга яшаган ва уларнинг 4 нафар (1995, 1998, 2000 ва 2003 йилларда туғилган) фарзандлари бор.

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай шахарчаси, Ўқитувчи кўчаси, 70-үйда яшаган

1992-1998 йилларда Саудия Арабистонида Мадина шаҳридаги Ислом Университетида таълим олган. Ўзбекистонга араб мутахассислиги дипломи билан қайтган ва соҳаси бўйича иш топа олмаганидан кейин савдо сотик билан шуғулланиб келган. 2004 йил 28 май куни ўғирланган.

### **Икки шарқунос дўст**

Қибрайлик Оқилжон Юнусов ва тошкентлик Фаррух Ҳайдаров 1989 йилда Тошкент Шарқшунослик Институти араб тили бўлимiga ўқишга кирди.

Уларнинг иккаласи ҳам бошқа яна ўнлаб талабалар қаторида 1991 йилда давлат дастури билан Саудия Арабистони Мадина шаҳридаги Исломий Университетга ўқишга юборилди.

Оқилжон Юнусов ва Фаррух Ҳайдаров дастлаб араб тили курсларида, кейинчалик Мадина Ислом Университетида диний таълим олиши. Улар билан бирга Мадинада таълим олган Иброҳим Қашқар хотирлайди.

*"Мен бу йигитлар билан Мадинада танишган эдим. Мадинаи Мунавварада кўришдик, ўқиша бирга бўлдик. Фаррух ҳадис факултетида ўқирди. Оқил шариат факултетида ўқирди. Ҳаммамизни бирлаштириб турадиган нарса – бизнинг динимиз эди. Уларнинг ҳеч қандай Ўзбекистон ҳукуматига қарши фикрлари йўқ эди. Мақсадимиз – илм олиш эди,"* - деди Иброҳим Қашқар.

1997 йилда Ўзбекистонга Мадина университети дипломлари билан қайтган йигитлар ишсиз қолди. Ўзбекистон Олий таълим вазирлиги Саудия Арабистони дипломларини эътироф этмасди.

Чорасизликдан Фаррух Ҳайдаров Қозогистон пойтахти Остонага йўл олиб, у ерда очилган Саудия Арабистони таълим марказида араб тили ва исломдан дарс бера бошлади. Оқилжон Юнусов эса тижорат йўлини танлади.

2001 йилда Остонадаги таълим маркази ёпилиши ортидан Фаррух Ҳайдаров Ўзбекистонга қайtdи ва Тошкентдаги Миср маданият марказига мударрис сифатида ишга кирди.

## "Диний бўшлиқ"

Бу пайтга келиб Ўзбекистонда диний соҳада бир бўшлиқ пайдо бўлганди, дея хотирлайди Оқилжон Юнусов ва Фаррух Ҳайдаровни яқиндан таниган диний фаол Мираҳмад Мўъминов.

*“Оқил ака ва Фаррух акалар... Ўзбекистонда, биласиз, маълум ва машҳур имомлардан кейин бир қандайдир бўшлиқ пайдо бўлди. Ўзбекистондаги ёшлар ёки диндорлар орасида илм бўшилиги пайдо бўлди. Ва ўша бўшлиқ пайтида бу кишилар, қандайдир маънода, ўша бўшилиқни тўлдириб турган илмлик кишилар эди.*

Мисол учун, Оқил Юнусов Мадинадан ўқишдан келган пайтда, мен эсимда бор, биз у киши билан 1999 йил март ойларида кўришганмиз. Ўша пайтда Тошкент портлашларига алокадор ишлар бўлаётганди. У киши: “Бизни чакиришибди ва илм бериш ҳаракатларимизга чекловлар бўлди, дипломимиз бўлса ҳам бизга дарс беришини таъқиқлаб қўйишиди,” деб айтганди” - дейди ҳозирда Кўшма Штатларда истиқомат қилаётган диний фаол Мирраҳмад Мўъминов.

Юнусов Оқилжон Азизжонович 2004 йил 28 май куни эрталаб соат 11-00 лар чамаси Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Қиброй шахарчаси, Ўқитувчи кўчаси, 70-йдан онаси Раҳбархон Абдуазимовага тегишли бўлган давлат рақами 30 J 82 40 2109 ВАЗ русумли автомашинада чиқиб кетганича қайтиб келмаган. Оила аъзолари қидирмаган қариндош–урӯғ, таниш–билишлар, касалхоналар, морг ва милиция участкалари қолмаган.

Юнусов йўқолишидан 3–4 кун илгари кетидан қандайдир машина кузатиб юрганини оила аъзоларига айтган. Онаси унинг намозхон ҳалол бола бўлгани учун хавотирда бўлган. У ўғлини 188-87-70 рақамли уяли телефонига тинимсиз кўнғироқ қиласкерган.

Юнусов бедарак кетганидан 6–7 кундан кейин шу рақамга телефон қилганида, бошқа бир бегона эркак жавоб берган. Юнусовни онаси ўзини тутиб тура олмай, йиғлаб юборган ва «Бу телефон боламни эди, ўзи қани?» — деб сўраганда, у киши: «Бу рақамни мен кеча «Юнител»дан сотиб олдим», — деб жавоб берган.

“... Уч–тўрт кун ичida қандай қилиб бирорга тегишли бўлган рақамни сотиб олиш мумкин? Мен унга ялиниб–ёлвориб, «Бу телефон менинг ўғлимга қарашли бўлган, ўғлим қаердалигини айтинг», десам ҳам, у телефонни ўчириб қўйди. Шу тахлитда телефон яна 3–4 кун ишлаб турди, кейин яна ўчириб қўйишиди.

Мен туман ИИБга, прокуратурага, ИИВга ҳамда МХХга хабар берганман...” дейди Юнусовни онаси Раҳбархон Абдуазимова 9 июль 2004 йил кунги хукумат идоралари ва халқаро ташкилотлар, элчиҳоналарга ёзган шикоятида.


## Фаррух Ҳайдаров

1972 йилда Тошкентда туғилган, Мадинада таълим олган. 2004 йил 24 июнда ўғирланган.

### "Узвий боғлиқлик"

2004 йил 16 май куни Тошкентдаги Тўхтабой масжидининг собиқ имоми, таниқли уламо Обидхон қори Назаровнинг ўғли Ҳуснидин Назаров тўсатдан ғойиб бўлди. Орадан 8 кун ўтиб Оқилжон Юнусов Қибрайдаги ҳовлисидан машинасида чиқиб кетадиу, қайтиб келмайди. Уша пайтда 32 ёшда бўлган Оқилжон Юнусов йўқолишидан 3–4 кун илгари кетидан қандайдир машина кузатиб юрганини оила аззоларига айтган.

Гуруҳга кўра, яқинлари Оқилжон Юнусовнинг диндорлиги учун хавотирда бўлган. Оқилжон Юнусов йўқолишидан бир ойдан кўпроқ вақт ўтиб, яъни 24 июнда унинг дўсти Фаррух Ҳайдаров ҳам айни шу тарзда ғойиб бўлади.



"Муқобил Ўзбекистон" Мувофиқлаштириш Кенгаши фаоли, собиқ имом Мұхаммадсолих Абутов эса икки диндор йигитнинг ғойиб бўлиши таниқли имом Обидхон қори Назаров фаолияти билан "узвий боғлиқлик" борлигини айтади.

*"Бизнинг шу пайтгача йиққан маълумотларимиздан хулоса қиласидиган бўлсак, мана шу йигитларнинг йўқ бўлиши ва уларнинг диний фаолияти машҳур имом Обидхон қори Назаровнинг фаолияти билан боғлиқлиги кўринади. Яъни бу болалар аввалида Обидхон қорининг масжида диний таълим ола бошлишган. Кейинчалик шу киши ёрдамида улар Мадинага ўқишга кетган."*

*1996 йилда Обид қори масжидида фаолиятини тўхтатиб, яшириниб юрди. Шу пайтда улар ўқишдан қайтиб келган. Обидхон қори йўқ, мана шу йигитлар масжиддаги жамоатга таълим берган, назоратига олган. Обидхон қорининг ишини булар бажарган қисман," дейди Мұхаммадсолих Абутов.*

Обидхон қори Назаровнинг фарзанди Довудхон ҳам Оқилжон ва Фаррухларнинг отаси билан бирга диний маърифий фаолият юритганини тасдиқлади.

*"Улар билан мен бир-икки марта юзма-юз кўришганман. Аммо, у пайтда анча ёш бўлганимиз учун, уларни ҳаётлари ва шахсиятларини тўлиқ билмайман, эсимдаям йўқ. Лекин, уларнинг диний фаолияти ва ишларини яқиндан билганман, кўрганман, гувоҳи бўлганман.*

*Сабаби, Фаррух ака ва Оқил ака дадамларга фаолиятлари давомида яқиндан шерик бўлишган, ҳамкорлик қилишган. Айтишимиз мумкин, дадамнинг бошчилигида кўп илмий-маърифий ишларида фаол бўлган шахслар булар," – дейди Довудхон Обидхон ўғли.*

Унга кўра, акаси Ҳусниддин ҳамда Оқилжон ва Фаррухларнинг бедарак кетишида ягона мақсад кўзланган - Обидхон қори Назаровни топиш.

*"Бунга шубҳа йўқ. Улар бир мақсадни кўзлаб амалга оширилган. Ҳусниддин аканинг, Фаррух ака ва Оқилжон аканинг ўғирланиши ҳаммаси бир томондан ююштирилган ва бир буйруқ асосида қилинган. Буларнинг орасида боғлиқлик борлиги аниқ. Мақсад – дадамни топиш ёки уларга таъсир, босим ўтказиш бўлган," дейди Довудхон Обидхон ўғли.*

<http://virtualuzbekistan.org/2004/07/1680>

<http://virtualuzbekistan.org/2004/07/1644>

<http://www.ozodlik.org/content/article/27204353.html>

### **Ҳикмат**

Тошкентлик, Турк фирмасини бошқарган ва Фаррух Хайдаровни фаолиятига хомийлик қилган. Фаррух Хайдаровни хайдовчиси бўлган Фаррух йўқолганидан бир икки кун ўтгач Ҳикмат ҳам ғойиб бўлган. 2014 йил июнь ойида ўғирланган.

### **Равшан (Шокир) Исманходжаев Султонович**

1975 йилда туғилган. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Оққурғон кўчаси, 12-а уйда яшаган. Қамоқдаги инсонларни оила аъзоларига кўмак бериш билан шуғулланган. 2004 йил 14 июлда ўғирланган. Исманходжаем Равшан 2004 йил 14 июль куни кечқурун тахминан 20:30ларда ғойиб бўлган.

Исманходжаев ғойиб бўлганидан 3 кун ўтгач, яъни 2004 йил 17 июль куни улар ижарага олиб яшаб турган хонадонга Республика ИИВ ва Республика МХХ вакиллари хонадон эгаси билан келиб, улар яшаган хонадонни хонадон эгаси ва қўшнилар иштирокида тинтувдан ўтказишиган.

Исманходжаев Равшанинг сирли ғойиб бўлиши ортидан у яшаган хонадонни МХХ ва ИИВ вакиллари тинтув қилганликлари унинг ғойиб бўлишида худди мана шу органлар вакилларининг иштироки борлигини исботлайди.

<http://virtualuzbekistan.org/2004/07/1656>

## **Абдурасул Рахимов Абдурашидович**

1972 йилда туғилган, маълумоти олий, турмуш ўртоғи Феруза Рахимова. З нафар (1996, 1999 ва 2001 йилларда туғилган) фарзанди бор.

**Яшаш жойи:** Тошкент, Шайхонтохур тумани, «Боғқўча» даҳаси, 100-б уйда яшаган. Қамоқдаги инсонларни оила аъзоларига кўмак бериш билан шуғулланган. 2004 йил 14 июлда ўғирланган

Абдурасул Рахимов 2004 йил 14 июль куни эрталаб ўзига тегишли бўлган давлат рақами 10W 81-47 бўлган оқ рангли «Тико» автомашинасида чиқиб кетган. Шу куни кечқурун тахминан 19-ларда турмуш ўртоғи Феруза билан гаплашган. Шундан кейин у ғойиб бўлган ва уйига қайтмаган.



Абдурасул Рахимов ғойиб бўлишидан бир кун олдин, яъни 13 июль куни Рахимовлар хонадонига туман ИИБ ходимлари келишган ва уларнинг уйлари режасидан кўчирма олиб кетишган.

Абдурасул Рахимов ғойиб бўлган кунининг эртасига, яъни 15 июль куни эрталаб Шайхонтохур тумани ИИБнинг Алишер исмли ходими Абдурасулни онаси Рахимова Халима ва турмуш ўртоғи Рахимова Ферузани ИИБга олиб кетиб, сўроққа тутган ва кейин қўйиб юборган.

<http://virtualuzbekistan.org/2004/07/1651>

<http://virtualuzbekistan.org/2004/07/1656>

<http://virtualuzbekistan.org/2004/08/1683>

## **Дилмурод Саъдуллаев Тўхтамуродович**

Тошкент шахри, Олмазор тумани, Охунбобоев мавзесида туғилиб, шу манзилда яшаган, онаси Мұҳаббат опа шифокор. Оиласда ягона ўғил бўлган. Уйланган 1 ўғил ва бир қизи бор. 2004 йилда ўғирланган

Дилмурод Саъдуллаев Обид қори Назаров масжидида фаолиятини бошлиган. У масжиднинг ишларида фаол иштирок этган, бундан ташқари у бир мунча муддат Обид қори Назаровнинг шахсий хайдовчиси бўлган. Обид қори масжиддан бўшатилганидан кейин ҳам Дилмурод Обид қорини ёнида кўпроқ муддат бирга бўлган.

Дилмурод Саъдуллаевга ҳам кидирав эълон қилинган, уни топиш мақсадида оила аъзолари, жиянларини хибсга олиб Дилмурод келганидан кейингина уларни озод қилишларини билдиришган.

Дилмурод 1999 йилнинг сентябрь ойида Ипподромдаги савдо дўконида савдо қилиб турганида ИИВнинг 2 та ходими томонидан тутиб кетилган. Тергов пайтида вахшийларча қийноқларга тутиб, бошини 2 жойи ёрилган ва ТошМИда даволашга мажбур бўлишган.

ЖИБ Акмал Икромов туман судида бўлиб ўтаётган суд пайтида Сайдуллаев судга ўзига нисбатан қўлланилган қийноқлар ҳақида гапириб, бошини ёрганлари, тирноқларини суғириб олганларини гапириб берган, лекин суд унинг кўргазмаларини инобатга олмаган.

Суд хукмига кўра Обид қорининг яқин шогирдларидан Абдувоҳид, Дилмурод ва бошқа судланувчилар узоқ йиллик қамоқ жазоларига хукм қилинганлар. 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган Дилмурод 2003 йилда амнистия акти қўлланилиб, қамоқдан озод қилинган.

Қамоқдан озод бўлганидан бир неча ой ўтгач ўғирлаб кетилган. Унинг ўғирлаб кетилишига асосий сабаб уни Обид қори Назаровнинг қаерга яширинганини билади, у билан алоқаси бор деган гумонда бўлишган. Чунки айнан ўша пайларда Рухиддин Фахриддинов ва Обид қори Назаровни Қозогистонда деган гумонда бўлиб, уларни тутиш учун бор имкониятларини ишга солишган.

Дилмурод эса тижорат ишлари билан Қозогистонга тез тез қатнарди. Дилмурод Саъдуллаев Обид қорига шогирд тутишидан олдин “кўча одами” бўлган ва у асосан қамоқдаги маҳкумларни озиқ овқатлар, керакли маҳсулотлар билан таъминлаш билан шуғулланиши билан танилган бўлган. Ўзи ҳам зодагонлар ва бой бадавлат инсонлар яшайдиган маҳаллада яшаган.

Ўғирланишидан олдин кетидан шубхали машиналар кузатиб юргани ҳақида яқинларига, дўстларига айтган, шубхалари ошгани сабабидан иккитадан мобил телефон олиб юришга мажбур бўлган.

Маҳалласидаги таксичи йигитни машинасида юриб, супермаркетга кириб кетган ва кайтиб чиқмаган, шу бўйича ғойиб бўлган.

Дилмурод ғойиб бўлганидан икки ойлар ўтиб унинг сотиш учун Қозоғистондан олиб келган иномарка автомашинаси яшириб қўйилган жойидан олиб кетиб, милиция идорасига олиб кетиб муҳрлаб қўйилган.

<http://virtualuzbekistan.org/2015/08/1900>

### **Маҳмуджон**

1968 йилда туғилган. Маҳмуджонни тарафдорлари ва шогирдлари кўп бўлган. Қозогистонни Абай шахрида яшаган. Одамларга исломдан дарс берган. 2004 йилда ўғирланган

### **Алишер - Қибрайлек**

Маҳмуджонни хайдовчиси бўлган ва Маҳмуджон ўғирланган пайтда биргалиқда ўғирланган

### **Шамсаддин Тўхтаев**

1961 йилда Бухорода туғилган. Бухородаги портлашда Шамсаддин Тўхтаевни укасини хонадони портлаган. 2004 йил 11 августда ўғирланган

Шамсаддин Тўхтаев 2004 йил 11 август куни соат 16-10 да Тошкент шахар, Шайхонтохур туманида жойлашган «Нихол» дори-дармон ишлаб чиқариш корхонасига йўл олган ва у ердан қайтиб келмаган.

Маълумотларга кўра, у 2004 йил март ойи охирида Бухорода содир этилган портлашлардан сўнг ҳам Бухоро шахар ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан хибсга олинган эди. Аммо 13 апрел куни бу воқеаларга алоқаси йўқлиги сабабли қўйиб юборилган.

<http://virtualuzbekistan.org/2004/08/1683>

### **Сұхбатуллаев Ҳусан Абдурасолович**

1980 йилда туғилган Тошкент вилояти, Тошкент тумани Абдурахмонов ширкат хўжалиги, А.Каримов кўчаси 6 уйда яшаган